



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 23 март, № 57 (5477)

Жума

## ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ ВА ЭЗГУ ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ АЙЁМИ



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар! Табиат уйғониб, баҳор нафаси тобора кучайиб, она-заминимиз яшил либосга бурканиб бораётган шу ёруғ ва мунаввар кунларда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам — янгиланиш ва яшариш байрами билан чин қалбимдан муборакбод эттидим.

Наврўз айёми барчамиз учун шарқона янги йил деб ҳисобланади, серҳосиллик ва кут-барака гоҳисини ўзида муҳассама этадиган, бизнинг миллий табиатимиз ва қадриятларимиздан ажратиб бўлмайдиган, ҳар қандай сиёсатдан холи, энг қадимий, энг сеvimли байрамимиздир.

Бундан минг йиллар аввал, кўна "Авесто" яратилган замонларда ҳам бизнинг аждодларимиз бу дилбар фасл кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, чексиз Туроннинг қишлоқ ва кентларида, дашту далаларда табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар, қўш хайдаб, далага дон сочиб, тинчлик-омонлик тилаб, янги орзу-ниятлар билан яшаганлар.

Наврўзи олам, том маънода, ўзининг руҳи ва гоҳлари билан инсоннинг

доимо она-ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг дини ва миллатида қатъи назар, яшамоқ ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг яққол исботи шу кунларда юртдошларимизнинг бағрини кенг очиб, табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кунгли ярим, етим-есирларнинг бошини силлаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беиминат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, таниш-билишларини кутлаб, улارга соғлик-омонлик, тинчлик-

осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва гоҳларига ҳамроҳанг, уйғун ва муштарақ бўлиб ривож топаётганига она-юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқроқ бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чехрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало, халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўз-ўзини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улғу халқнинг фарзандлари, давомчилари эканлигини ҳис этиб, барчамизнинг қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади, десам, шу муҳташам

майдонда тўпланган сиз, азизларнинг фикри-зикрингизни айтган бўлам.

Мухтарам ватандошлар! Узоқ давом этган қиш қаҳратонидан сўнг офтобнинг чароғон чехрасини кўриб, бегубор кўклар ҳавосидан нафас олар экан, ҳар бир одам худди қайтадан тугилиб, ўзини, дунёни янгитдан кашф этаётгандек ҳис қилиши табиийдир.

Шу маънода, бу йилги баҳор фаслини ҳаммамиз ҳар қачонгидан ҳам соғиниб, интизорлик ва кувонч билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном олган 2012 йилда ҳам кўзланган марраларимизни, албатта, қўлга киритамиз, деган ишонч туғдиради.

Жорий йилда ҳам бошлаган эзгу ишларимизни, демократик ва эркинлаштириш ислохотларини давом эттириш, аҳолиимизнинг даромади, пенсия, нафақа ва стипендияларини кўпайтириш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янги босқичга кўтаришга эришамиз, иншоолло.

Бу йилнинг юртимизга сернам келиши, кузда экан экинларимиз тобора кучга тўлиб, бўй чўзаётгани, янги мавсумга чуқур тайёргарлик кўрганамиз, насиб этса, фидойи

ва заҳматкаш бободехқонларимизнинг орзу-умидлари, албатта, ушалади, ҳосилимиз мўл бўлади, деб ишонч билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди, фарзандларига атаб ниҳол экиб, боғ яратади. Бугун Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билагни кучга тўлиб, кўзлари гайратдан ёниб турган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаётган ёшларимизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимизни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шухўли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайрихоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашга ихозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимизга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимизни ва самимий тилакларимизни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, бало-қазолардан Яратганининг ўзи асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Наврўз келди, Наврўз!..

Ушбу чорлов бугун бутун юртимиз узра янграмоқда. У шахару кент, қишлоқ ва овул, қиру адир, яйлову кенгликлар, тоғу тошлар оша акс-садо бериб, дилларни дилларга боғламоқда, барча-барчага завқ-шавқ улашмоқда. Бу чорлов Баҳорни, Наврўзни ҳар галгидан кўра кўпроқ соғинганимизни, интиқиб кутганимизни ошкор этди.

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан репортаж

Фасллар келинчаги Баҳорни, улғу айём Наврўзни соғинишимизда ажиб синоат бор. Яъниким, инсоннинг ҳаёт йўли ҳам табиат фаслларига ўхшаб кетади: у тугилгандан бошлаб баҳор куртаклари сингари тирикликка, яшашга интилади. Ёз каби саҳий — атрофдагиларга нафим тегсин, дейди. Куз янглиғ вазмин, қишнинг қоридек қалби оппоқ бўлади. Гарчи қор сўзининг ўзи дафъатан этларни жунжиктирса-да, аслида, у ризқ-насиба манбаи. Шу боис Наврўз шуқуҳи кезиб юрган арафа кунларда ҳам қор ёққанидан ранжимадик, аксинча, бундан кувониб: "Бу йил халқимиз учун кут-баракали келсин", дея дуога қўл очган боболаримиз, момоларимизнинг эзгу ниятларига қўшилдик. Эзгу истагу ёруғ орзу-умидларни дилга тугиб яшаш, ҳаётга завқ-шавқ бахш этади. Юрт обод бўлади. Эл-улус қалбида бунёдкорлик кайфияти барқарорлашади.

Наврўз азалий қадриятларимиз тимсоли, деймиз. Ваҳолонки, қадим аъналаримизнинг тикланиши, Наврўзи оламнинг кенг миқёсда бугунги-кечкис қилинишига осонликча эришилган эмас. Бинобарин, Наврўз азалий аънаю удумларни ўзида жо этган қадрият сифатида қадр-қиммат топиши, бениҳоя улғу умумхалқ байрами бўлиб шаклланишида Юртбошимизнинг азму шижоати, юксак эътибори, чексиз эъзоди муҳассама.

Бугун жойларда ободончилик-кўкаламзорлаштириш, экин-тикин ишлари авжга чиққан. Кимдир ён-атрофини ободонлаштиряпти, яна кимдир фарзандларини набираларини қаватига олиб кўчат ўтказаяпти. Беморлар холидан хабар олиш, муҳтожларга кўмак бериш одатий ҳолга айланган. Буларнинг бари ўзбекона удумларимиз сирасига киради. Шу боис Наврўз ҳақида гапирганимизда, албатта, уни миллий деймиз, халқона деб атаймиз. Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига таъкидланганидек: "Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта ҳурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда".

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшаси-

да, энг чекка туманларида, қишлоқларида ҳам Наврўз кўтаринчилиги билан нишонланаёпти.

Пойтахтимизнинг барча маҳаллалари, майдонлари ва хиёбонларида ҳам байрамга катта ҳозирлик кўрилди.

22 март. Биз ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғимизда. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва тадбиркорлар, отахону онахонлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюришган. Меҳмонлар ён-атрофнинг ўзгача дид, қайноқ меҳр ила безатилганини кўриб инсоннинг қўли гул, деган гап бежиз айтилмаганлигига яна бир бор иқроқ бўлдилар. Эро, ушбу гўша бугун чиндан-да, ўзгача чирой очиб, дилларни ўзига чорламоқда. Йўлаклар бўйлаб турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий хунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Қўли ширин панзандаю ошпазлар томонидан тайёрланган сумалак, ҳалим, кўксомса сингари Наврўз таомларининг муаттар ҳиди иштаҳани қитиклайди. Улғуворлик касб этиб турган саҳна ортида Ўзбекистонимизнинг мафтункор, гўзал табиатини ўзида акс эттирган паннога боқиб, осмон мусаффо, замани ҳосилдор, суви тотли шундай гўзал юрда яшаётганинда фахрланасан...

Соат 12:00. Тантананага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюради. Тадбир меҳмонлари мамлакатимиз раҳбарини гулдурос қарсақлар билан кутиб олиши.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Наврўзи олам билан табриклаб, нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз табригига бу йилги Наврўз Мустаҳкам оила йилида янада кўтаринки кайфият ва зўр кувонч билан ўтаётганини таъкидлади.

Чорлов мусиқаси янграйди. Байрам тантаналари бошланади.

...Кенг саҳна узра атрофга сувнинг жилдираши, булбуллар хониши янграб, гуллар очилишини ифодаловчи рамзий лавҳалар кўзга ташланганда дилда хаяжон уйғонади.

(Давоми 2-бетда).

### «Баҳорий кайфият йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин»

дейишмоқда мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳлар

Айни кунларда шахар, туман, олис қишлоқ ва овулларимизда Наврўзи олам зўр ҳурсандчилик билан нишонланаёпти. Кўнгилларга баҳорий кайфият, завқу шавқ улашувчи бу бетакрор шодиённинг бевосита иштирокчиси бўлиш, тарихий шахарларимизни зиёрат қилиш мақсадида юртимизга кўлаб сайёҳлар ҳам ташриф буюрмоқда. "Халқ сўзи" муҳбири улاردан айримларининг таассуротлари билан қизикди.

#### Таассурот

Сонг Иуи СЕОБ (Жанубий Корея):

— Ўзбекистонни бағрикенг, тинчликпарвар, меҳмондўст юрт сифатида яхши биламан. Шарқ халқларига хос самимий муносабатнинг

энг ёрқин намуналарини ҳам шу замин одамларида кўриш мумкин. Назаримда, бу ерга келаётган хорижий сайёҳлар оқимининг йил сайин ошиб бораётганига асосий сабаблардан бири айнан меҳмон-

га кўрсатиладиган чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан боғлиқдир.

Наврўз тантаналарини томоша қилиш мен учун жудаю қизиқ. Чунки бунда ҳақиқий миллийлик кўзга ташланади: баҳорий таомлар тор-

тиқ қилинади, асрлар давомида сақланиб қолган халқ уйинлари ўйналади, концерт дастурлари намойиш этилади, хуллас, кўтаринки кайфият ҳукмрон бўлади. Қадимий урф-одатларига, аъналарига содиқ бу халқнинг келажаги бугунгидан-да ёруғ эканига шак-шубҳа йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон аҳлини баҳор айёми билан самимий муборакбод этаман.

(Давоми 2-бетда).





Шукух

Барчамизни соғинтирган фасли навбахор Фаргона водийсининг сўлим гўшаси Косонсойга ҳам ўз сепини ёймоқда. Куртаклаган боғлар, мойчечак, чучумо ва бинафшадан алвон кўйлак кийган қирлардан эсаётган майин шабада эпкинидан чор атроф ажойиб ифорга бурканган. Шундай мунаввар ва фараҳбахш кунларда Садача маҳалласида яшовчи нуруний Муҳаббатхон ая хонадониди сумалакка қозон осилди.

Садачада сумалак сайли

Маҳалла аҳли, кекса онахонлар қозон бошида тўпланиб, илоҳий таом пишгунга қадар ёшларга эзгуликдан қизоқ сўзлашди, жамалаксоч қизалоқлар қўшиғу рақс билан даврани кизитишди. Мана, бир кеча-кундузлик ҳаракатдан сўнг сумалак ҳам пишиди. Унинг хушбўйи димоқларни қитқилайди.

— Бунчалар тотлисан, сумалак! Сенга етказган, Наврўзимизни қайтиб берган Истиклолимиз абадий бўлсин, — дея дуога қўл очган онахон баҳор таомини кўзишга тутинади.

Одат шунақа, пишиб этилган сумалакни аввал табаррук момолар тотиб беришади, сўнгра косаларга солиб маҳалла кексалари, кўп фарзандли хонадонлар, беморлар бор оилаларга улашилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бирпасда бутун хонадонларга тотли таом билан баҳор нафаси, меҳр-оқибат муҳдалари кириб борди.

— Шодиёна кунларида Косонсойдаги 63 маҳаллада сумалак қайнайди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Косонсой туман бўлиммаси бошқаруви расиси Абдурахмон Мирбобоев. — Бугун қай бир маҳаллага борманг, қизгин ҳозирликнинг устидан чиқасиз. Ўзини ўзи бошқариш идоралари, меҳнат жамоалари, тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида қутлуғ айёмни муносиб қутиб олиш ва нишонлаш тадбирлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, байрамолди тадбирларида хайрли юмушларга катта ўрин берилган. Жумладан, 311 кам таъминланган оилани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, совғалар билан сийлаш мўлжалланаяпти. Ҳомий ташкилотлар вакиллари 210 та хонадонга озиқ-овқат ва кийим-кечаклардан иборат тухфалар билан кириб боришади. Айниқса, ўзгалар ёрдамига муҳтож ва ногирон фуқароларга алоҳида эътибор кўрсатилади. Масалан, икки кишига махсус аравача, 20 кишига эшитиш мосламаси, уйда таълим олаётган бир қатор болаларга компьютер жамланмаси топширилди. Зеро, Наврўзда халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат сингари фазилатлар бутун бўйбастии билан намоён бўлади.

Мамасоли АБДУРАҲМОНОВ.  
Номанган вилояти

Қадриятлар улугланган юрт

Наврўз келгач, кун ва тун ўзаро мутаносиблик касб этади, ерлар кизиби, ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дов-дарахтга жон киради. Кўз очаётган куртаклар эса кишини янги орзулар, янги режалар сари ундайди, гўё.

Анъана

Огаҳий ҳазратлари эҳтимол шундай кайфиятдан илҳом олиб куйидаги мисраларни битгандир:

Тараб тифлин тугурди даҳр золи,  
Анго бўлди магарким доя наврўз.

Наврўз — моҳиятан бирдамликка чорловчи байрам. Баҳорнинг улуг ва тансиқ таоми сумалак пишриш жараёнига тайёргарлик, бир кеча-кундуз давомидида дошқозонни яхши ниятлар билан қавлаб туриш асносида барча қалб-бан ақинлашади. Бундай кунларда гина-қудуратлар унутилиб, дўстлик ришталари мустаҳкамланади. Кишилар бири-бирига совғасаломлар улашиб, эзгу тилаклар билдиришади.

Байрам кунлари турли баҳорий таомларнинг тайёрланиши, уни барчага, бегоналарга ҳам илминиши халқимизнинг азалий меҳмондўстлигидан дарак. Қолаверса, Наврўз дастурхонининг хосияти ҳам кўп. Сумалак, ҳалим, чучвара, кўксомса каби миллий таомларимиз «илгирилди» пайтида вужудимизга қучкуват ато қилади.

Наврўзга ҳар бир хонадон, ҳар бир киши алоҳида

тайёргарлик кўради. У ашиқ қоққанда катта байрам томошалари, оммавий ўйинлар бошланади. Улоқ, кўпқари каби миллий ўйинларимиз эса ҳар бир йигитни, жасур ва чаққон, кўрқмас ҳамда ботир бўлишга чорлайди. Бу айёмда болаларнинг ҳам ўзига хос ўйинлари бошланиб кетади. Биргина варрак учирининг ўзи қандай завқли! Наврўз кунлари дилга ошно бўлгучи хуш кайфият шоирларимизга ҳам ўзгача илҳом бахш этиши, шубҳасиз. Ҳазрат Навоий шундай ёзадилар:


Ҳар тунинг қадр ўлбон,  
Ҳар кунинг ўлсун наврўз.

Дарҳақиқат, қалбимизда пайдо бўлаётган баҳорий ўзгаришлар, ботиний эврилишлар кундалик ҳаёти-мизда ҳам акс эта бошлайди. Деҳқон ерга барака уруғини қадаси, боғбон янги ниҳоллар ўтказишга киришади. Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари авж олиб кетади, ҳашарлар уюштирилади. Бу юмушларда ҳам халқимизнинг ўзаро иноқлигини кўриб, дил яйрайди. Бир текис оқланган тераклар,

сув сепилиб, супирилган кўчалар, йўлакчалар, гуллаётган дарахтлар ҳар бир инсонга кўтаринкилик бағишлайди. Шундай дамларда қарияларимиз яна бир баҳорга етказганига шукроналар айтишиб, дуога қўл очиб, ёшларга бирдамлик, узоқ умр, юртимизга тинчлик-хотиржамлик, эл дастурхонига барака тилашади.

Қадриятларини улугланган эл қадр топади, дейди халқимиз. Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан қайта тикланган Наврўз байрами ана шундай шуқўли, завқу шавқли, ўзгача тароватлидир. Шу кунларда қадим анъаналарга, ҳикматларга бой бўлган Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан нишонлар эканмиз, қадриятларимизни дахлсиз сақлаб, уларни ота-боболаримиздек эъзозлаётганимиздан қалбимизда бахтиёрлик, фахр ифтихор ҳиссини туйамиз. Зеро, бугун муқталик юртда ҳаётимиз баҳордек сўлим, Наврўзи оламдек завқу шавқлидир.

Исҳоҷон ИСМОИЛОВ,  
филология фанлари номзоди.  
Урганч шаҳри



Бурж

Хижрий-шамсий йил тақвимида кўра, янги йилнинг биринчи оғи — ҳамал кирди. Бу кунни «сади пок», дейдилар. Яъни қишнинг юз кунлик совуқ кунлари ортда қолди, пок-покиза кунлар бошланди, деганидир.

Ҳамал кирди — амал кирди

Дарҳақиқат, энди буюғи кўклам. Кўёш хут буржидан ҳамал буржи томон оғди. Кун ва тун тенг келди.

«Ҳамал кирди — амал кирди», деган халқимизнинг ибораси ҳам бор. Бунинг маъноси шуки, ушбу ойда бутун борлиқ уйғонади, дов-дарахтлар танасига сув югуради. Айни пайтда ерга қадалган ниҳоллар заминдан қувват олиб, барг ёзади, тупроқ остида қолган уруғ илдири отиб, палак ёяди. Шу боис деҳқонлар экин-тикин ишларини ҳамал киргандан сўнг бошлайдилар. Боғбонлар дарахт кўчатлари ўтказиш, янги боғлар яратиш пайидан бўладилар. Чорвадорлар эса сурувларини адирларга ҳайдайдилар.

Эътибор қилган бўлсангиз, шу кунларда қушлар ҳам серҳаракат бўлиб қолган. Чунки уларнинг иссиқ ўлкаларга учиб кет-

ган галаси қайтаётир. Турна қанотлари остида қалдирғочларни олиб келмоқда. Сайроқи қушлар шўх хонишлари билан дилларни хушнуд қилаяпти.

Ҳамалнинг об-ҳавоси ўзгарувчан. Кузатишларга қараганда, баъзи йиллари серёгин келса, гоҳида бунинг акси бўлади. Айрим ҳолларда ҳарорат пасайиб кетиши ҳам мумкин. Лекин бундан кўришга ҳоҷат йўқ. Чунки паст ҳарорат кўп давом этмайди, тезда ҳамал кўёши заминни қиздириб юборади.

«Ҳамал йиғлоқ, савр курғоқ» деганларидек, бу ойда ёгингарчилик кўп бўлади. Демак, заминимизга кут-барака ёғилади.

Йил бошида яхши ниятларга қўл очайлик.

Р. САИДОВ.

Реклама ва эълонлар

**«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ**  
**Наманган вилояти филиали**  
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!  
Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:  
Наманган вилояти хўжалик сўдининг 159-сонли, 3045-сонли ва бошқа бир неча ижро варақаларига асосан, Наманган шаҳар СИБ томонидан хатланган, «Наманган кўприк хўжалигини» сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-қўйиладиган ДҚга тегишли, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 21-уйда жойлашган, умумий ер майдони 19033,0 кв.м., қурилиш ости майдони 3152,4 кв.м. бўлган идора, автогараж, омборхона ва ишлаб чиқариш цехлари бино-иншоотлари.  
Бошлангич баҳоси — 480 815 775 сўм.  
Аукцион савдоси 2012 йил 24 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.  
Шунингдек, 2012 йил 10 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик сўдининг 2010 йил 29 ноябрдаги 16-1006-12009-сонли ижро ҳужжатига асосан, Наманган шаҳар СИБ томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 21-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1378,04 кв.м., умумий ер майдони 6538,27 кв.м. бўлган, «Наманган обдончилиги» МЧЖга тегишли маъмурий ва бошқа бино-иншоотлар тақроран қўйилмоқда.  
Бошлангич баҳоси — 157 325 433 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 12.00 дан 13.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2012 йил 24 апрель кунини ўтказиладиган савдо учун — 2012 йил 20 апрель кунини соат 18.00, 2012 йил 10 апрель кунини ўтказиладиган тақрорий савдо учун — 2012 йил 6 апрель кунини соат 18.00.  
Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.  
«Наманган обдончилиги» МЧЖга тегишли маъмурий ва бошқа бино-иншоотлари учун закалат пули объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тўланиши шарт.  
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй. Расмий сайти: www.1kms.uz  
Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.  
Лицензия: RR-0001.

**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти**  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 19-03-22-05 ЎЗР 15-2012-сонли реестрга асосан, 2012 йил 1 апрель кунидан бошлаб, заводда ишлаб чиқарилаётган **мазут ёқилгисининг 1 тоннасининг нархи — 199 800 сўм** эътиб тасдиқланганлигини истеъмолчиларга маълум қилади.

**«МЕҲРИ САВДО»** ШУЪБА КОРХОНАСИ  
2012 йилнинг II чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:  
**сарйёғ, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.**  
Тендер тақлифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кунини соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:  
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Нибёбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.  
Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.  
Тендер тақлифларини қабул қилишнинг сўнги мuddати — 2012 йил 29 март соат 17.00 гача.

**«Ўзкимёсаноат»**  
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
мамлакатимиз аҳли ҳамда меҳмонларини кўҳна ва ҳаммиша навқирон байрамимиз —  
**Наврўзи олам**  
билан самимий муборакбод этиб, энг яхши тилакларини билдиради!  
Ушбу нурафшон айёмда барчага мустаҳкам соғлиқ, баҳорий кайфият, оилавий бахт-саодат ва азиз Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!

**«ЎЗБЕКИСТОН»**  
НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ ЖАМОАСИ  
азиз юртдошларимизни ангиланиш ва яшарин айёми —  
**Наврўзи олам**  
билан самимий муборакбод этади!  
Обод ва фаровон Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган ҳар бир эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!  
Файзу барака, баҳорий кайфият хонадонларимизни асло тарк этмасин!  
**Наврўзи олам муборак!**

